**11_5097/2220 - СОН**

# ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ХИЗМАТЛАРИ КЎРСАТИЛИШИ ТЎҒРИСИДА АБОНЕНТ ШАРТНОМАСИ

*Юридик шахслар (шу жумладан, бюджет ташкилотлари) учун*

**2022 йил** “ 17” январ

**“Узбектелеком” акциядорлик компанияси** (кейинги уринларда Компания) номидан 2022 йил “5“ январдаги 27-01-14/30 -сон ишончнома асосида фаолият юритувчи Компаниянинг Шеробод филиали директори **С. Тураева** (кейинги уринларда – Оператор) бир томондан ва **Шеробод тумани ХКТ ва ООМХ ДМ** Устав (Низом, руйхатга олинганлик тўғрисидаги гувохнома, ишончнома) асосида фаолият юритувчи **А.Ғуломов** (кейинги ўринларда – Абонент) иккинчи томондан (кейинги уринларда биргаликда - Томонлар) телекоммуникация хизматлари кўрсатилиши бўйича куйидагилар хакида Абонент шартномасини (кейинги уринларда – Шартнома) туздилар:

**1. Шартнома предмети**

1.1. Абонент ушбу Шартномани имзолаб:

- Операторнинг WWW.UZTELECOM.UZ расмий веб-сайтида эълон килинган Ўзбекистон Республикаси Фукаролик кодексининг 367-369-моддаларига мувофик "Ўзбектелеком" акциядорлик компаниясининг телекоммуникация хизматларини кўрсатиш тўғрисида абонент шартномасини тузишга расмий оммавий таклифи бўлган Оммавий офертаси (кейинги ўринларда – Оферта) шартлари билан тўлик танишиб чикканлигини тасдиклаб, ушбу Оферта шартлари асосида Оператор билан телекоммуникация хизматлари курсатилиши туғрисида шартнома тузади;

- Оператор томонидан кўрсатиладиган хизматлар учун Абонент дастлабки аванс тўловини амалга ошириши ва тўлов фактини тасдикловчи тегишли молиявий хужжатни олиши Оператор Офертасининг шартларини сўзсиз кабул килиши (акцептини) хисобланади.

1.2. Томонлар Офертанинг 2-моддасида кўрсатилган максадларда ушбу Шартномани имзолаганидан сунг, Оператор Абонентга идентификация ракамини беради. Идентификация раками берилганидан сўнг, Абонент, Оператор томонидан таклим этиладиган хизматлар руйхати доирасида ўз танловидан келиб чикиб, дастлабки аванс туловини амалга ошириши мумкин.

1.3. Хизмат курсатиш шартлари Офертанинг 3-моддасида белгиланган асосларда ва Абонент томонидан танланган хизмат тури хамда ушбу хизматни таклим этиш учун техник имкониятлар мавжудлигидан келиб чиккан холда белгиланади.

**2. Томонларнинг хуқуқ ва мажбуриятлари**

2.1. Оператор ушбу Шартномани имзолаган вактдан бошлаб, Офертанинг 4-моддасида белгилаган хукук ва мажбуриятларга эга булади.

2.2. Абонент ушбу Шартномани имзолаган вактдан бошлаб, Офертанинг 5-моддасида белгиланган хукук ва мажбуриятларга эга булади.

2.3. Томонлар ушбу Шартнома амал килиш даврида, ўз хукук ва мажбуриятларига катъий риоя этилишини таъминлаш юзасидан зарур чораларни амалга оширадилар.

**3. Ҳисоб-китоб ва тўловлар тартиби**

3.1. Мазкур Шартнома бўйича Офертанинг 6-моддасига мувофик, хизматлар (мобил алока хизмати бундан мустасно) курсатилганидан кейин туловни амалга ошириш (**Postpaid**) тизими шартлари татбик этилади.

3.2. Тарифлар Абонент билан Шартнома тузилганда ва Оператор хизматларидан фойдаланиш жараёнида Абонент билан хисоб-китобларни амалга ошириш учун мажбурийдир. Хизматлар учун барча тарифлар миллий валютада кўрсатилади ва ушбу Шартнома тузилган вактда белгиланган барча соликлар ва йиғимларни ўз ичига олади.

3.3. Хизматлардан фойдаланиш учун Абонент тулови биринчи ойда ушбу Шартнома тузилган санадан бошлаб **3 (уч) банк куни** мобайнида амалга оширилади.

3.3.1. Илк бор уланишда Абонент тўлови **100 ( бир юз) фоиз** микдорида олдиндан тўланади. дастлабки аванс тўлови олдиндан тўлов бўйича талабнома (хисоб) асосида хамда ушбу Шартноманинг тегишли иловасида (Абонент томонидан танланган хизмат тури бўйича) кўрсатилган микдорга мувофик хар бир танланган хизмат тури учун алохида амалга оширилиши мумкин

3.4. **Бюджет ташкилоти бўлган Абонент учун** Шартноманинг умумий суммаси ушбу Шартноманинг тегишли иловасига (Абонент томонидан танланган хизмат тури бўйича) мувофик кўрсатилган хизматлар хажми билан белгиланади.

Шартноманинг умумий суммаси 1110 000 (Бир миллион бир юз ўн минг сўм) (ҚҚСни хисобга олган холда) сўмни ташкил этади. Ушбу микдоридаги бир марталик тўловни уз ичига олади.

3.4.1. Мазкур Шартноманинг умумий суммаси ошиб кетган такдирда, ортикча сумма Томонлар ўртасида имзоланган кўшимча келишув/таклим этилган хисоб-фактура асосида туланади.

3.5. Абонент ушбу Шартномага асосан ёки берилган хисоб-фактура асосида хар ойда Оператор томонидан хисоб-фактура берилган кундан бошлаб **3 (уч) банк куни** ичида ушбу Шартномада кўрсатилган Операторнинг Шахсий (электрон) хисоб ракамига пул маблағларини ўтказиш йўли билан Оператор томонидан кўрсатилган хизматлар хакини тўлайди.

3.6. Агар Абонентнинг Шахсий (электрон) хисоб ракамида хизматлар кўрсатиш учун етарли маблағ бўлмаса ёки мазкур Шартноманинг 3.5-бандида курсатилган муддатда хар ойлик хисоб-фактура бўйича тўлов амалга оширилмаган бўлса, Оператор ушбу Шартнома бўйича хизматлар кўрсатилишини тўхтатиши мумкин.

3.7. Оператор томонидан уланган ва таклим этилган хизматлардан Абонент томонидан фойдаланилмаслиги, Абонентга ушбу хизматлар учун тўловларни амалга оширмаслигига асос бўла олмайди.

3.7.1. Агар Абонент Оператор хизматларидан фойдаланишни вактинча тўхтатишни, шунингдек, хисобот даври (календарь ойи) учун ишлатилмаган тўловларнинг олдини олишни истаса, Абонент хисобот ойининг 1-кунидан олдин хизматларни ихтиёрий равишда блокировка килиш учун ариза топшириши керак. Блокировка килиш тартиби Оферта коидалари билан тартибга солинади.

3.8. Оператордан бонуслар кўринишида реклама акциялари доирасида Абонентга таклим этилган барча маблағлар факат Оператор хизматлари учун туланиши мумкин ва Шартнома бекор килинганда Абонентга пул шаклида тўланмайди ёки кайтарилмайди

3.9. Оператор томонидан таклим этилган хизматлар, Шартномага мувофик хар бир хизмат тури учун алохида расмийлаштириладиган хисоб-фактура билан ёпилади. Ҳар бир хисоб-фактурада таклим этилган хизматларнинг тўлик календарь ойи учун умумий микдори курсатилади.

3.9.1. Агар Абонент **10 (ўн) иш куни** мобайнида Оператор томонидан таклим этилган хисоб-фактура бўйича ўз эътирозларини ёзма ёки электрон шаклда таклим этмаса, ушбу хизмат тури бўйича хисоб-фактура кабул килинган ва хизматлар тегишли тарзда кўрсатилган деб хисобланади. Абонентнинг эътирозлари асослантирилган такдирда, Оператор кейинги календарь ойида таклим этиладиган хизматлар учун тўлов талабномасида (хисобида, хисоб-фактурада) тегишли тузатишларни амалга оширади.

3.10. Офертанинг 6.15-кичик бандида белгиланган тартибда, Абонентнинг Шахсий (электрон) хисоб ракамининг баланси салбий бўлганида **1 (бир) календарь ойдан** ошмаган муддатга Абонентнинг кафолат хати асосида Оператор томонидан Абонентга хизматлардан фойдаланиш имконияти берилиши мумкин.

**4. Томонлар жавобгарлиги**

4.1. Томонлар Офертанинг 8-моддасига ва ушбу Шартномага мувофик белгиланган мажбуриятларни бажармаганлиги учун Ўзбекистон Республикаси конун хужжатларида хамда Офертада назарда тутилган тартибда ва микдорларда жавобгар булади (Томонларга нисбатан жавобгарликнинг чекланиш холатлари бундан мустасно).

**5. Низоларни хал килиш тартиби**

5.1. Томонларнинг ушбу Шартномани бажариш билан боғлик масалалар буйича барча низолари ва келишмовчиликлари Офертанинг 11-моддаси талаблари асосида Ўзбекистон Республикаси конунчилигига мувофик хамда низоларни судгача хал этиш тартибига риоя килинган холда ўзаро келишув оркали хал килинади.

5.2. Томонлар ўртасида юзага келган низо ва келишмовчиликларни ўзаро келишув оркали хал этишнинг имкони бўлмаган такдирда, низолар Ўзбекистон Республикаси конун хужжатларига мувофик Тошкент туманлараро иктисодий судида кўриб чикилади.

**6. Алохида шартлар**

6.1. Томонлар мазкур Шартноманинг амал килиш даврида ўз хукуклари ва мажбуриятлари билан боғлик равишда Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга карши курашишни тартибга солувчи қонун хужжатлари нормаларини бузиши мумкин бўлган хар кандай чоралар кўрмасликлари ёки хатти-харакатларни содир этмасликлари юзасидан мажбуриятларини катъий эътироф этган холда, ўзаро хамкорлик маданиятини юкори даражада таъминлаш ва коррупция холатларига муросасиз курашиш чораларини кўради.

6.2. Мазкур Шартноманинг амал килиш даврида Томонларнинг иродаси ва фаолиятларига боғлик бўлмаган хар кандай холатларда ва ходисаларда (енгиб бўлмайдиган кучлар/форс-мажор холатлари) Офертанинг 10-моддаси коидаларига амал килинади.

6.3. Абонентнинг ёзма/электрон шаклда такдим этилган ариза/эътирознома/шикоят/таклиф кўринишидаги мурожаати купи билан 30 (уттиз) кун давомида кўриб чикилади ва тегишли шаклда жавоб берилади. Бунда мурожаатни кўриб чикиш учун 15 (ўн беш) кундан ортик муддат талаб этилса, Абонент (мурожаат муаллифи) Оператор томонидан бу хакда мажбурий равишда хабардор килинади.

**7. Якуний коидалар**

7.1. Ушбу Шартноманинг барча мухим шартлари Офертага мувофик белгиланади. Ушбу Шартномада ёки Офертада назарда тутилмаган холларда Томонлар Ўзбекистон Республикаси конун хужжатларига амал килади.

7.2. Ушбу Шартнома Томонлар ўртасида имзоланган пайтдан бошлаб, кучга киради ва 2022 йил 31 декабрга кадар амал килади. Агар, Шартноманинг белгиланган амал килиш муддати тугаганидан сўнг, Томонлар (бюджет ташкилоти бўлган Абонентга татбик этилмайди) ўз шартларини бажаришни давом эттирса ва Томонларнинг хеч бири унинг бекор килинишини эълон килмаган бўлса, Шартнома хар бир кейинги йилга узайтирилади.

7.2.1. **Бюджет ташкилоти бўлган Абонент** учун ушбу Шартнома ваколатли давлат органларида руйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради ва 2021 йил 31 декабрга кадар амал килади.

7.2.2. Абонент томонидан ушбу Шартноманинг имзоланиши - Оферта акцептини (Абонентнинг Оферта шартларини кабул килганлиги хакидаги жавобини) билдиради.

7.3. Ушбу Шартнома, шу жумладан, Операторнинг расмий веб-сайтида эълон килинган Оферта, илова ва кўшимчалар (агар мавжуд бўлса) Шартнома предмети юзасидан Оператор ва Абонент ўртасида тулик Шартномани ташкил этади.

7.4. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари, уларнинг таъсис хужжатлари (мулкдорлари) ўзгарган такдирда, шу жумладан ташкилий-хукукий шаклининг ўзгариши ва бошка ўзгаришлар рўй берган такдирда Шартнома ўз кучида колади. Томонлар бундай ўзгаришлар амалга оширилган кундан бошлаб, **10 (ўн) календарь кун** ичида бир-бирларини хабардор килишлари шарт.

7.5. Ушбу Шартномага ўзгартиришлар ва кўшимчалар киритилганда (агар улар ёзма равишда расмийлаштирилган бўлса) ва ушбу харакатлар Томонларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган хамда Томонларнинг мухрлари (мавжуд бўлган такдирда) билан тасдикланган бўлса, хакикий хисобланади.

7.6. Ушбу Шартнома давлат тилида, 2 (икки) нусхада расмийлаштирилган бўлиб, бир хил юридик кучга эга ва хар бир Томон учун битта нусхадан берилади.

## 8. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари:

| **ОПЕРАТОР:**<br>**"Ўзбектелеком" АК**<br>**Шеробод филиали** | **АБОНЕНТ:** |
|---|---|
| Манзил: Мустакиллик кўчаси<br><br>Банк маълумотлари:<br>х/р: 20210000104074838388 ;<br>СТИР:203366731<br>МФО: 00401 АТБ "Алокабанк"<br>Тел: 763221147<br>E-mail:______________________; | Манзил: Шеробод тумани ЖКТ ва ООМХОМ<br>Банк маълумотлари:<br>х/р: 10002286022223704283625000 1<br>СТИР: 200498317<br>МФО: 00338; Банк номи: Микрокредит<br>Тел:: 32-21-270 |
| **Оператор номидан:**<br>______________ **Ф.И.Ш.**<br>/имзо/<br>м.ў. | **Абонент номидан:**<br>**Ф.И.Ш.**<br>имзо<br>м.п. |

Юрист Огилов

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
AXBOROT TEXNOLOGIYALARI
VA KOMMUNIKATSIYALARINI
RIVOJLANTIRISH VAZIRLIGI

МИНИСТЕРСТВО ПО РАЗВИТИЮ
ИНФОРМАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ
И КОММУНИКАЦИЙ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

# LITSENZIYA
# ЛИЦЕНЗИЯ

**АА № 0005717**

Litsenziya turi
Вид лицензии: Типовая

Berilgan sana
Дата выдачи: 03 ноября 2015 г.

Litsenziyaning amal qilish muddati: 03.11.2015г. dan 03.11.2030г. gacha
Срок действия лицензии: с 03.11.2015г. по 03.11.2030г.

Litsenziatning nomi:
Наименование Лицензиата: **Акционерная компания «O'ZBEKTELEKOM»**

Litsenziatning manzili va bank rekvizitlari
Адрес и банковские реквизиты Лицензиата: г.Ташкент, Юнусабадский р-н, проспект Амира Темура, д.97А, р/с 20210000904074838001 в ОПЕРУ АК «Алокабанк» г.Ташкент, МФО 00401, ИНН 203366731

USHBU LITSENZIYA BILAN FAOLIYAT KO'RSATISHGA RUXSAT ETILADI:
НАСТОЯЩЕЙ ЛИЦЕНЗИЕЙ РАЗРЕШЕНО ОСУЩЕСТВЛЯТЬ ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ:

Проектирование, строительство, эксплуатация и оказание услуг сетей подвижной радиотелефонной (сотовой) связи

ILOVA QILINGAN LITSENZIYA SHARTNOMASIGA MUVOFIQ
В СООТВЕТСТВИИ С ПРИЛАГАЕМЫМ ЛИЦЕНЗИОННЫМ СОГЛАШЕНИЕМ

M.O'. Rahbarning imzosi:
M.П. Подпись руководителя:

Litsenziyaning amal qilish muddati: dan gacha uzaytirildi
Срок действия лицензии продлен: с по

M.O'. *Rahbarning imzosi:*
M.П. *Подпись руководителя:*

Litsenziyaning amal qilish muddati: dan gacha uzaytirildi
Срок действия лицензии продлен: с по

M.O'. *Rahbarning imzosi:*
M.П. *Подпись руководителя:*

(Ilova qilingan litsenziya shartnomasi mazkur litsenziyaning ajralmas qismidir)
(Прилагаемое лицензионное соглашение является неотъемлемой частью настоящей лицензии)

Реестр № 435

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI

YURIDIK SHAXSNI DAVLAT RO'YXATIGA O'TKAZISH TO'G'RISIDA

# GUVOHNOMA

Reestr № 10-000240 № 004060

2014 yil "30" oktabr

Mazkur guvohnoma "O'ZBEKTELEKOM " Aksiyadorlik kompaniyasi

yuridik shaxsga berildi.

| | |
|---|---|
| Tashkiliy-huquqiy shakli: Aksiyadorlik jamiyati | THSHT (ОПФ) 1150 |
| Mulkchilik shakli: Aksiyadorlar | MSHT (ФС) 144 |
| Davlat ro'yxatidan o'tgan kundagi pochta manzili: A.TEMUR SHOX KO'CHASI, 24-UY | MHBT (СОАТО) 1726266 |
| Yuridik shaxs kodi: | KTUT (ОКПО) 17820078 |
| Asosiy faoliyat turi: Elektr va radio aloqasi | XXTUT (ОКОНХ) 52300 |
| Soliq to'lovchining identifikasiya raqami: | STIR (ИНН) 203366731 |

Qo'shimcha ma'lumotlar: AVVAL, ADLIYA VAZIRLIGIDA 2000 YIL 10 AVGUSTDAGI 1317-SONLI REESTR RAQAMI BILAN RO'YHATGA OLINGAN

Vakolatli organ boshlig'i: V.K.Mamedov

GUVOHNOMANI QALBAKILASHTIRISH QONUN TOMONIDAN TA'QIB QILINADI

С. Тураева Аслига тўғри.